



230100, Nukus shahri, Dosnazarov ko'chasi, 62-uy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

230100, Nókis qalasi, Dosnazarov kóshesi 62-úy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

« 02 » июль 2021-у.

№ 03-03/02-3155 « _____ »-_____ 2021-ж.

Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазирлигига

1. "Имо-ишора тили" бўйича катталар таълими учун ўқув-курслар ташкил тиш бўйича қанча мурожаат бўлган?

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига "Имо-ишора тили" бўйича катталар таълими учун ўқув-курслар ташкил тиш бўйича мурожаат келиб тушмади.

2. 2021-2022 ўқув йилида инклюзив таълимга жалб этиладиган болалар сони (1-2-синфлар учун).

Нукус шаҳрида 25-сонли мактабда инклюзив синфи ва 20-сонли мактабда коррекцион синф ташкил этилиши режалаштирилган. Ҳар бир мактабдан биттадан инклюзив коррекцион синф ташкил этилади. Бугунги кунда инклюзив синфига 2 нафар ўқувчи қабулланиши режалаштирилган.

3. Айни пайтда умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган ногиронлиги бўлган болалар сони.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси умумтаълим мактабларида уйда яқка тартибда таълим олаётганлар сони **1275 (563 қиз бола)** нафарни ташкил этади. Уларнинг "Ақли заиф" болалар сони – **438** нафарни, "Таянч ҳаракат аъзолари шикастланганлар" сони – **397** нафарни, "Кўзи ожизлар" сони – **13** нафарни, "Заиф кўрувчилар" сони – **9** нафарни, "Заиф эшитувчилар" сони – **2** нафарни, "Нутқида нуқсони борлар" сони – **54** нафарни, "Бошқа турдаги касалликлар билан касалланганлар" сони – **362** нафарни ташкил этади.

Уларнинг **91** нафари кам таъминланган оила фарзандларидир, **117** нафарининг ота-онаси – "Темир дафтар"да, **34** нафари – "Ёшлар дафтари"да, ва **169** нафарининг онаси – "Аёллар дафтари"да рўйхатда туради.

Юқоридагиларни маълумот учун қабуллашингизни сўраймиз.

Вазирнинг ўринбосари

Ш.Таджимуратов

